



ҚАДИМГИ ТУРКИЙ БИТИГТОШЛАРДА БАЪЗИ ИҚТИСОДИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ МАДАНИЙ ТАЛҚИНИ

Маруф Дустмуродов
фил.ф.ф.доктори, доцент

Аннотация. Ушбу мақолада қадимги туркий битигтошларда учрайдиган иқтисодий терминлар лингвистик ва маданий жиҳатдан таҳлил этилган. Ёдгорликларда иқтисодий атамалар нисбатан кам учраса-да, улар орқали VIII-IX асрлар туркий жамиятларининг хўжалик тузилиши, мулк муносабатлари, солиқ ва мажбурий хизмат тизими, савдо алоқалари ҳамда чорвачиликка асосланган иқтисодий моделини тиклаш мумкинлиги кўрсатилган. Мақолада *bäglük, tarqan, bodun, öd, kun, su, oʻyur* каби бирликларнинг маъно доираси, уларнинг сиёсий-маъмурий ва иқтисодий функциялар билан узвий боғлиқлиги ёритилган. Шунингдек, бойлик, барака ва фаровонликни ифодаловчи *bay, qut, qutluu* каби лексемаларнинг этномаданий моҳияти очилган. Тадқиқот даври иқтисодий тизимини тил материаллари асосида кўрсатиш мақоланинг асосий вазифасини ташкил қилади.

Калит сўзлар. қадимги турклар, иқтисодий-ижтимоий ҳаёт, иқтисодий терминлар.

Кириш.

Қадимги туркий битигтошлар фақат сиёсий ва ҳарбий тарихни эмас, балки VIII–IX асрлар туркий халқларининг иқтисодий ҳаётини ҳам акс эттирувчи бебаҳо манбалардир. Бу ёдгорликларда иқтисодиётга бевосита оид терминлар кўп учрамаган бўлса-да, мавжуд бирликлар ўша даврнинг хўжалик тизими, мулк муносабатлари, солиқ ва мажбурий хизмат шакллари, савдо алоқалари ҳамда чорвачилик иқтисодиёти ҳақида қимматли маълумот беради. Битиглар тилидаги иқтисодий қатлам кўпроқ сиёсий-маъмурий тузилма, ҳарбий-сиёсий ташкилот, бойлик ва эғалик тизими билан уйғун ҳолда намоён бўлади.

Хоқонликларда иқтисодий-ижтимоий ҳаёт қандай эди, давлатнинг асосий тушумлари нималардан иборат эди деган саволга турли манбалардан жавоб топиш мумкин. Хусусан, Хитой манбаларида хоқонликнинг асосий кучини ташкил этувчи туркий қабилаларнинг аксариятини кигиз чодирларда яшовчи, яйлов ва сувли жойларни қидириб кўчиб юрувчи, гўшт кўп истеъмол қиладиган ва қимиз ичадиган кўчманчи чорвадорлар сифатида тасвирланиб, бош машғулоти чорва боқиш ва овчилик эканлиги таъкидланиб¹, «Уларнинг солиқлари жангчи ва от эди. Оти билан аскарликка бориш мажбурий эди ва солиқ сифатида сурув моллари мавжуд эди»² шаклида аҳолининг давлатга бўлган мажбуриятлари баён қилинади. Бу эса хоқонлик

¹ Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... S. 20; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 124.

² Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 229; Taşgöl A. Gök-Türkler. – Ankara: TTK, 1995. – S. 97.

иқтисодий ҳаётида чорвачилик катта ўрин тутганини кўрсатиши баробарида ҳоконлик аҳолисининг таянч қисмининг ҳарбий бўлганидан дарак беради³.

Битигтошларда учрайдиган *bāglik, āl, bodun, tarqan, yabū, buyruq* каби терминлар аввалоқ сиёсий мансаблар сифатида қаралади, аммо уларнинг иқтисодий юклами янада кенгрокдир. Ушбу лавозимлар эгалари маълум ҳудуд, чорвадор қабила, солиққа тортиладиган аҳоли ёки уларга бириктирилган бойликлар орқали иқтисодий ресурсларни бошқарган. Шу боис мансаб номлари кўпинча иқтисодий ваколат, мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи ва тақсимот тизимини билдиради. Масалан, *tarqan* кўпинча ҳарбий-сиёсий мансаб эгаси бўлибгина қолмай, айрим битигларда ўлпон йиғиш, қўшин таъминоти ва савдо йўлларини назорат қилиш каби иқтисодий функцияларни ҳам бажарган. *āl* ва *bodun* эса фақат сиёсий жамоа эмас, балки ўзининг ўлпони, чорвачилик ресурслари, савдо алмашинуви билан бирга иқтисодий бирлик сифатида талқин қилинади.

Қадимги турклар учун чорвачилик бош иқтисодий тармоқ бўлгани боис, ҳайвон номлари ҳам иқтисодий ўлчов сифатида ишлатилган. *at, ayur, qayan at, uyur, tāgri at* каби бирликлар кўпинча бойлик, совға-салом, қабила мулки ёки қўшин таъминоти контекстида келади. Битигларда учрайдиган чорва атамалари, бир томондан, туркий жамиятнинг иқтисодий манбааларини билдирса, иккинчи томондан, ижтимоий мавқе ва сиёсий қудратнинг ҳам ўлчови бўлган. Айниқса, отлар дипломатик совға, ҳарбий сафарлар ва савдо алмашинувида марказий аҳамият касб этган. Шунинг учун ҳайвон номлари баъзан иқтисодий термин вазифасини бажарган.

Шунингдек, иқтисодий-маиший ҳаётда *bārčīn* – “ипка” алоҳида ўрин тутган, қадимги турк битикларидаги айрим маълумотлар ипак маҳсулотларининг нафақат ташқи савдода, балки Ҳоконликнинг ички иқтисодий тизимида ҳам муҳим ўрин тутганини тасдиқлайди. Хусусан, Тўньюқуқ ва Кул Тегин битикларида ҳарбий юришлар орқали қўлга киритилган ёки хорижий элчилик ҳайъатлари томонидан совға сифатида тақдим этилган ашёлар қаторида ўз даврининг энг қимматбаҳо металлари — олтин ва кумуш билан бирга *ayī / qutay* («ипак») ҳам қайд этилади⁴. Бу ҳолат ипакнинг VIII асрдаги Турк ҳоконлиги иқтисодий муносабатларида юқори қийматга эга бўлганини кўрсатади. Шунингдек, ипак ва ипакдан тайёрланган маҳсулотлар ўша даврда энг юксак қадрладиган товарлардан бири сифатида бир қатор давлатлар, жумладан, Турк ҳоконлиги иқтисодий барқарорлиги ва мувозанатига сезиларли таъсир кўрсатган. Ипак ишлаб чиқаришнинг асосий маркази бўлган Хитой мазкур маҳсулотнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамиятидан унумли фойдаланиб, Ҳоконликдаги ички мувозанатни ўз манфаатлари йўлида ўзгартиришга интилиб келган⁵. Кул Тегин битиктошида келтирилган «*Табғач халқи сўзи ширин, дебоси нафис экан. Ширин сўзи, дебоси билан алдаб, йироқ халқни шу тарзда яқинлаштирар экан*» ҳамда «*Уларнинг ширин сўзига, нафис дебосига алданиб,*

³ Бобоёров. Ғ. Ғарбий Турк ҳоконлиги давлат тузуми. – Т.: Янги нашр, 2018. – Б. 321.

⁴ Тб, ғарб. 9-сатр, жануб. 1–3-сатрлар; КТб, шимол, 11–13-сатрлар.

⁵ Бобоёров. Ғ. Ғарбий Турк ҳоконлиги давлат тузуми. – Т.: Янги нашр, 2018. – Б. 325.

kün türk halkı халок бўлди» мазмундаги лавҳалар шуни кўрсатадики⁶, ипак ва дебо каби юқори қийматли маҳсулотлар иқтисодий муносабатлар воситаси бўлиш билан бирга, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий барқарорлигига ҳам таъсир кўрсатувчи омил сифатида намоён бўлган.

Солиқ ва мажбуриятларга оид терминлар битигтошларда алоҳида қатламни ташкил этади. *kün, külik, öd, sü* каби бирликлар давлатни моддий таъминлаш тизимини кўрсатади. *kün* айрим тадқиқотчилар томонидан “хизмат куни”, “меҳнат мажбурияти”, “давлат учун бажарилиши шарт бўлган меҳнат бирлиги” сифатида изоҳланади. *öd* эса “тўлов”, “бадал”, “компенсация” маъносида келиб, қабила ва уруғлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда аҳамиятли бўлган. *külik* турли мажбурий хизмат ёки солиқ шаклини англатган бўлиши мумкин. *sü* эса оддий қўшин эмас, балки унинг таъминоти, қўрол-яроғи, от-улови билан боғлиқ иқтисодий тизимни ҳам акс эттирган. Савдо ва карвонсарой ҳаётига оид терминлар ҳам битигларда учраб туради. *yüin, oğur, tögär, tunuq, yuqin* каби бирликлар юк, ташиш, карвон, савдо алмашинуви билан боғлиқ бўлиб, қадимги турклар халқаро савдо йўлларида фаол иштирок этганликларини кўрсатади. Бу терминлар орқали ипак йўли бўйидаги иқтисодий алоқалар, турли қабила ва давлатлар ўртасидаги товар алмашинуви, карвонларнинг ҳарбий ва сиёсий ҳимояси ҳақида муҳим маълумотлар тикланади. Айниқса, *oğur* каби юк ташиш билан боғлиқ бирликлар карвон иқтисодиётининг мукамал тизимга эга бўлганини тасдиқлайди.

Адабиётлар:

Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... S. 20; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 124.

Thomsen V. Inscriptions de l’Orkhon déchiffrées. Helsingfors: Impr. de la Société de littérature finnoise, 1896. 224 p. (Mémoires de la Société Finno-ougrienne. T. V).

Togan İ., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler. Eski T’ang Tarihi. – Ankara: TTK, 2006.

Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 89–90. Тб, ғарб. 9-сатр, жануб. 1–3- сатрлар; КТб, шимол, 11–13- сатрлар.

Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 229; Taşagıl A. Gök-Türkler. – Ankara: TTK, 1995. – S. 97.

Бобоёров. Ғ. Ғарбий Турк хоқонлиги давлат тузуми. – Т.: Янги нашр, 2018. – Б. 321.

Бобоёров. Ғ. Ғарбий Турк хоқонлиги давлат тузуми. – Т.: Янги нашр, 2018. – Б. 325.

Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. – СПб.: Наука, 2006. – 591 с.

⁶ Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 89–90.